

Қумқўрғон тумани ХТБ қарашли 25-сонли умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчилари Жарқўрғон туманида жойлашган Ички ишлар вазирлиги СУРХОНДАРЁ АКАДЕМИК ЛИТСЕЙИГА ҳужжатларини топширишди.



ИИВ Сурхондарё академик литсейи Ҳарбий чақириққача тайёргарлик раҳбари Бегзод Кличев ўқувчиларни литсей ўқув дарс жараёни, кун тартиби ва келажакда бериладиган имтиёзлари билан яқиндан таништириди.

Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволлариiga жавоб олишди. Тадбир давомида 25-мактабнинг ҳозирги кунда литсейда та'лим олаётган 7 нафар собиқ ўқувчилари билан учрашув ўтказилди.